# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 26-APREL, PAYSHANBA, 50 (7976) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





# СПОРТ БИЛАН ҲАМРОҲ ОИЛА

**Фарғоналик спортчилар — Содиқжон ва Севарахон Деҳқоновлар оиласига кўплар ҳавас билан қарайди. Уларни бирлаштирган спорт бутун ҳаётлари мазмунига айланган. Содиқжон Деҳқонов курашга бўлган меҳри туфайли ёшлигидан ушбу спорт турини пухта эгаллашга киришди.**

Севарахон эса отаси — Фарғона водийсида ном қозонган курашчи Мамадали ака изидан боришни ният қилди. Кураш бўйича мусобақаларнинг бирида улар бир-бирини учратди, дўстона алоқалар ўрнатилди, ҳаёт йўллари туташди. Салкам йигирма йилдан буён бу икки спортсевар инсон ҳам оилада, ҳам ишда бир-бирига кўмакдош, маслаҳатчи.

Содиқжон Деҳқонов Фарғона давлат университети, Севарахон Деҳқонова эса Қўқон давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Ҳозир ҳар иккаласи халқаро тоифадаги ҳакам, Фарғона шаҳридаги "Миллий спорт турлари, халқ ўйинлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби"да ёшларга курашдан сабоқ беради. Юзлаб шогирдларни тарбиялаб, кураш бўйича чемпионлар етиштирган. Жумладан, Жамшид Убайдуллаев, Хурсанд Муҳаммедов, Шуҳрат Раҳмеддинов, Сожида Мадаминова, Садоқат Зокирова, Диёра Орипова, Моҳинур Пирназарова каби спортчилар Республика ва Халқаро чемпионатларда ғолиблар сафидан жой олган. Севарахон Деҳқонованинг ўзи эса 2010 йили Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган кураш бўйича «Ислом Каримов» Халқаро турнирида биринчи ўринни қўлга киритган.

Оиланинг тўнғич фарзанди Фарғона Педагогика коллежи ўқувчиси Жасур Мусажонов ҳам умидли курашчилардан. 2011 йили Грецияда бўлиб ўтган кураш бўйича «Ислом Каримов» Халқаро турнирида 1-ўринни қўлга киритди. Жамшид ва Жавлон Мусажоновлар ҳам ота-онаси ҳамда акаси каби спорт билан мунтазам шуғулланади.

**СУРАТДА:** *фарғоналик Содиқжон ва Севарахон Деҳқоновлар фарзандлари (чапдан) Жамшид, Жавлон ҳамда Жасур Мусажоновлар билан.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА:









# КУН ТАРТИБИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАВЗУСИ

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Мамлакатимизда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Ташхис маркази масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш, мазкур йўналишда журналистлар фаоллигини ошириш, тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлиги баробарида керакли маълумотлар билан тўларoқ таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда оммавий ахборот воситалари вакилларининг маъсулиятини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Жорий ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини 560 минг нафар ўғил-қиз тамомлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги мутахассиси Нормурод Чиниқулов. — Уларни таълимнинг кейинги – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичи билан тўлиқ қамраб олиш чоралари кўриляпти. Шу билан бирга, бу йил коллеж ва лицейларни ҳам 516 минг нафардан зиёд ёшлар тамомлайди. Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, улар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келгусида мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузилмоқда. Меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжни пухта ўрганиш, ҳудудлардаги иш ўринларининг доимий мониторинг қилиш, жойлардаги айрим касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Малакатимизда ёшларнинг муайян мутахассисликни эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, уларни турли салбий иллатлар таъсиридан сақлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка етказиш, касбга йўналтиришда намунали иш олиб бораётган таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, корхона ва ташкилотларнинг илғор иш тажрибасини тарғиб этиш оммавий ахборот воситалари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ушбу йўналишдаги ишлар мазмун-моҳиятини кенг ёритиш журналистдан чуқур таҳлилий ёндашувни, билим ва маҳоратни талаб этади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

**Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар" марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан Сенатнинг фан, таълим ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида таълим самарадорлигини янада ошириишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция тавсиялари ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят Кенгаши депутатлари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар, халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари, педагоглар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида ёш авлодга замон талабларига мос таълим бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари томонидан коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда уч томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

Хоразм Вилояти

**Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қишлоққа саноатни олиб кириш, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кўпайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИ

Янгиариқ тумани Таган қишлоғидаги "Баҳром" фермер хўжалиги раҳбари Мансурбек Йўлдошев изланувчан мулкдорлардан. У ўтган йили хитойлик тадбиркорлар билан сутни қайта ишлайдиган ускуналарни сотиб олиш юзасидан шартнома имзолаган эди. Туман ҳокимлиги фермернинг бу ташаббусини маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. "Агробанк" ОАТБнинг туман бўлими тадбиркорга 55 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Жорий йилнинг март ойида хориждан ускуналар келтирилди ва туман марказида янги корхона — "Янги сут нон" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда корхонада сутни қайта ишлаш билан бирга замонавий технология асосида макарон, нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда 8 нафар ишчи фаолият юритаётган корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 4 та иш ўрни очиш мўлжалланмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




# ИНТЕНСИВ БОҒЛАР ҲОСИЛГА КИРДИ

**"Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли "Пешку пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти томонидан ўтган йили 4,9 гектар ерда интенсив боғ яратилганди. Боғда 5987 туп олма, 2138 туп нок, 705 туп гилос кўчатлари ўтқазилганди.**

Бошланган хайрли иш қисқа вақт ичида ўз натижасини кўрсатди. Ҳозирда боғдаги мевали дарахтлар ҳосил нишоналарини кўрсатди.

— Корхонамизга қарашли 10 гектардан иборат боғ бор, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Зайниддин Азимов. — Варахшо чўл массивида ҳам 5 гектарлик ўрикзор ташкил этганмиз. Бу йил боғларимиздан тузуккина даромад оламиз. Ҳосил нишоналари шундан дарак бериб турибди.

Корхонада интенсив боғлар барпо этилиши муносабати билан 5 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 200 тонна мевани қиш фаслида сақлаш имкониятига эга бўлган совиткичхона қурилиши ҳам якунига етай деб қолди.

**СУРАТДА:** *Корхона мутахассислари Сами Тоҳиров ва Жўрабой Фаттоевлар боғдаги кўчатларнинг ҳосил нишоналарини кўздан кечиришмоқда.*

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

▼ **МЕДИАТУР**

Сирдарё Вилояти

# ШИРИНМИЯ ЕР ШЎРЛАНИШИНИ КАМАЙТИРАДИ

**Халқаро ерни муҳофазалаш куни муносабати билан Гулистон давлат университетида шўрланиши кучайган ерларни қайта тиклаш, биохилмахилликни таъминлаш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология маркази, Гулистон давлат университети, БМТ Тараққиёт дастури, "Экосан" жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Медиатурда сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтишганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим дастурламал вазифасини ўтаётир. Жумладан, шўрланишнинг олдини олиш, ер унумдорлигини ошириш, биохилма-хилликни таъминлаш борасида Мирзачўл воҳасида кенг миқёсда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шўрланиш кучайиб, экологик ҳолат бузилиши оқибатида кейинги йилларда Мирзачўлда 200 турдаги ўсимлик ва 20 турдаги ҳайвонлар йўқолиб кетган. 30 минг гектар ер кучли шўрланганлиги боис фойдаланилмаётганди.

Сизот сувлари сатҳини пасайтириш, биохилма-хилликни таъминлашда ширинмия ўсимлигини кўпайтириш катта ижобий самара беради. Ҳозирда ушбу ўсимликни дала шароитида кўпайтириш Боёвут туманидаги "Аваз" фермер хўжалигида синовдан ўтказилаётир. Қолаверса, ширинмиядан дори-дармон олиш, занг касаллигига қарши препарат ҳам тайёрлаш мумкин экан.

Тадбир доирасида "Биогаз қурилмалари — экологик тоза муқобил энергия манбаи" мавзуида тренинг бўлиб ўтди. Қатнашчилар Ховос туманидаги "Надежда" фермер хўжалигида ўрнатилган биогаз ускунаси ёрдамида чиқиндилардан арзон электр энергияси ва иссиқлик манбаи ҳосил қилиш технологияси ҳамда Боёвут тумани "Ғалаба" СИУ ҳудудидаги "Аваз" фермер хўжалиги олиб бораётган ширинмия етиштириш тажрибаси билан танишдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

# ТЎЙ – ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ, АММО...

## ТЎЙЛАРИМИЗ, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАРИМИЗНИ ЎТКАЗИШДА АЙРИМ ЖОЙЛАРДА ШУҲРАТПАРАСТЛИК, ДАБДАБАБОЗЛИК, ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

**"Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида.**

**Истиқлолнинг илк йилларидан мамлакатимизда ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оила институтига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

**Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч, деб биламиз.**



### ЯНА ЎША ЭСКИ ДАРД

Тўйдан муддао – яхшилик. Эзгу ният, хайрли мақсад билан икки ёшнинг бошини қовуштирамиз. "Серфарзанд, сердавлат бўлинглар. Ўзларингдан кўпайинглар. Униб-ўсинглар", дея кайвониларимиз ёшларни дуо қилишади. Янги оила бунёд этилади. Лекин биз нимагадир ёшларнинг бахтсаодати, келажаги ҳақида эмас, кўпроқ тўй, уни қандай ўтказиш хусусида қайғурамиз. Қулоғимизгача қарзга ботсакда, обрў учун қозон-қозон гуруч дамлаймиз. Автомашиналардан карвон тузиб, маҳаллада "дув-дув гап" қилгимиз келади. Энг қиммат ресторанда базм уюштириб, танишу нотаниш, маст-аласт оломоннинг хурмача қилиқларини виқор билан томоша қиламиз. Элнинг расм-русумини қиляпмиз, дея исрофдан гап очган одамнинг оғзига урамиз.

Бир фильм қаҳрамони айтганидек, ўзимиз яратган урф-одат ва удумларга ўзимиз сажда қиламиз. Расм-русумни деб молу жонимизни гаровга қўямиз. Шу билан янги қурилаётган оила мустаҳкам, фарзандларимиз бахтли бўлса, нур устига нур. Бироқ тўйдан кейинги иқтисодий қийинчиликлар, қудалар ўртасидаги кераксиз олди-бердилар ёш оила бахтига зомин бўлиб қолиши хусусида кўпинча ўйламаймиз ҳам.

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Оила тўкис бўлса – жамият фаровон. Оила даромади жамият бойлиги билан чамбарчас боғлиқ. "Пул меники, қандай хоҳласам, шундай сарфлайман. Истасам – дабдабали тўй қиламан, истасам – дабдабали қиламан, истасам – данғиллатиб уй соламан", деб ҳисоблайдиганлар бор. Улар бойлигимизни ҳавойи орзулар учун совуришимиз охир-оқибат ўзимизга зиён эканини нахотки билмайдилар?!

Аҳли донишлар шуҳратпарастлик, манманлик, такаббурлик деб баҳолайдиган дабдабабозлик билан ном қозониш, мол-дунёсини кўз-кўз қилиш унчалик қийин иш эмасдир, эҳтимол. Аммо ўзини шу заминга дахлдор деб билган коргар акаларимиз тўй деган томошада сочадиган маблағларининг лоақал ўндан бирини хайрли мақсадларга, дейлик, бева-бечораларга ёрдам бериш, ўзлари яшайдиган маҳалла ва қишлоқларни ободонлаштириш, янги иш жойларни ташкил этиш, ёшларни илмли қилиш, йўллар, кўприклар қуриш сингари эзгу ишларга сарфласалар нафақат эл-юрт олдида обрў-эътиборга, балки катта савобга ҳам эга бўладилар-ку!

Беҳбудий таъбири билан айтганда, тўй ва аза исминдаги бу икки қаттол душман ҳаётимизга эгов, оёғимизга тушов бўлиб келаётгани бор гап. "Эрдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма" нақлига амал қилиб, вужудимизни қуртдек кемираётган бу хасталикни бекитишга, ўзимизга ёқмаган пойгада ҳарсиллаб чопишга ҳаракат қиламиз. Маърака-маросимларимиздаги дабдабозлик, исрофгарчилик ҳақидаги гап-сўзлар, таъна-дашномларга ич-ичимизда қўшилсак-да, сиртимизга сув юқтирмаймиз. Фойдаси йўқ, барибир ҳеч нарса ўзгармайди, бу ҳақда гапириш – осмонга кесак отишдай бир гап, дея қўл силтаб яшайвераміз.

Президентимиз раҳнамолигида нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам кучли жамият, қудратли давлат барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ўтган йиллар давомида бу борада юксак натижаларга эришдик. Шундай экан, миллий маънавиятимизга заррача бўлсин таъсир кўрсатадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилишимиз, ўрганишимиз, хулоса чиқаришимиз шарт. Шу ўринда ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги бўлган тўй, маърака ва бошқа турли маросимлар ўша омилларнинг салмоқли қисмини ташкил этишини ҳам унутмаслик даркор.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган фармонида "Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда", деб таъкидланган.

– Ушбу фармонда белгиланганидек, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида тўй ва бошқа маросимларнинг ўтказилишини ўрганиш, назорат қилиш гуруҳи ташкил этилган, – дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. – Замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган намунавий тўйлар сценарийлари тайёрланиб, маърака ва маросимларни камтарона, камчиқим ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган. Афсуски, ҳамма ҳам бу тавсияларга амал қиляпти, деёлмаймиз.

### ТЎЙХОНАМИ, ЎЙХОНА?!

...Сайёра опа билан Самарқанд – Тошкент автобусида танишдик. Пойтахтдаги олий ўқув юртларидан бирида талабаларга сабоқ бериб келаётган опахон билан гапимиз тез қовушди. Суҳбат орасида Сайёра опа ўтган йили газетада босилган тўйлар ҳақидаги бир мақолани ўқиганини, унда кўтарилган масала ҳақиқатан ҳам ўта долзарб ва жиддий эканини таъкидлар экан, ўзи бошидан кечирган бир воқеани айтиб берди.

– Турмуш ўртоғим вафот этганида ўғлимиз Беҳзоджон эндигина тўрт ёшга тўлганди, – дейди опа маъюс тортиб. – Аспирантурада ўқирдим. Ҳаётимни ёлғиз фарзандимга, илмга бағишладим. Бирдан-бир орзуим ўғлимнинг бахтини кўриш, невара суйиб, эрта йўқотган қувончимни топиш эди. Бўлажак келинимни тушларимда кўриб чиқардим. Беҳзоджон улғайиб, келин қидиришга тушдим. Таниш-билишларим ҳали у қизнинг, ҳали бу қизнинг таърифини келтириб, ақлимни шоширарди. Ўғлим бўлса, "сиз кимни маъқул кўрсангиз, шунга уйланаман"-дан нарига ўтмасди. Хуллас, тагли-тугли бир оила билан қуда бўлдик.

Тўй – фаровонлик белгиси. Тўкинлик, файз-барака, осойишталик бор жойда тўйлар бўлади. Бироқ ношукурлигимиз ҳаддан ошиб кетади баъзан. Орзу-истакларимиз чегара билмай қолади. Энди ўйлаб қарасам, ўғлимнинг оиласи қурилмасданоқ бузилишни бошлаган экан. Бу оила қуда томон тўйни фалон ресторанда ўтказасан, деб шарт қўйганидаёқ, тўйхона харажатлари учун қўшимча ўн миллион сўм қарз кўтарганимдаёқ дарз кетган экан. Қарзларимни эслайвериб, эсим кетди. Тўй ҳам татимади. Талаба келин, эндигина иш бошлаган ўғил ва ўқитувчилик маоши билан қарз тўлаб яшайдиган онанинг оилавий муаммолари бошланди. Ўғлим бир йил ҳам яшамай хотини билан ажрашди. Биз катталарнинг ҳавойи орзулари, такаббурлиги, манманлиги икки ёшнинг бахтига зомин бўлди, десам хато бўлмас...

Тўй қиламан деб иқтисодий муаммолар гирдобига ботиб қолган Сайёра опа сингари юртдошларимиз кам эмас. "Бор борича, йўқ ҳолича", деган нақлни аллақачон унутиб қўйганмиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Фарзандимизнинг бахти гўё шунга боғлиқдек, қарзга ботсак-да, энг қиммат тўйхонани, энг қиммат мебелни, энг қиммат кийимларни танлаймиз. Кўпинча ана шу энг қиммат буюмлар уларнинг бахтсизлигига сабаб бўлади.

Сайёра опанинг тўйхона харажатлари учун ўн миллион сўм қарз олдим, деган сўзлари сабаб бўлиб, пойтахтимиз, Самарқанд, Андижон, Термиз шаҳарларидаги ресторанлар, тўйхоналарнинг нарх-навоси билан қизиқдик.

Эътибор берган бўлсангиз, бугун шаҳарларимизга ўзгача чирой бағишлаб турган биноларнинг кўпчилигини тўйхоналар, ресторан ва кафелар ташкил этади. Орзу-ҳавасли халқмиз. "Тўй кўргин, ғам кўрма", деб дуо қилади кексаларимиз. Миллий психологиямиз яхшилик, яхши кун, хурсандчилик каби эзгу тушунчалар билан йўғрилган. Биз кимгадир яхшилик тиламоқчи бўлсак, тўйдан бошинг чиқмасин, деймиз. Яхши кун, хурсандчилик деганда, тўйни тушунамиз асосан. Тўйхоналаримиз доим банд. Ҳафтанинг ўртасида тўй белгилаган қариндошимиз "тўйхона фақат шу куни бўш экан, энди бир амаллаб келасиз-да", дейди олдиндан гинага тайёрланиб. Бормасангиз бўлмайди. Бурноғи йили тўйингизга тўёна қилган – қарздорсиз. Имкониятимиз, вақтимиз билан эмас, тўйхоналарнинг иш жадвали билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Дарвоқе, гап нарх-наво ҳақида эди. Хуллас, Тошкент шаҳридаги энг қиммат ресторан ва тўйхоналар бир киши учун 150-180 минг сўм атрофида. Энг арзонлари спиртли ичимликларни тўй соҳиби келтириши шарти билан 30-40 минг сўм. Биргина тўйхона учун сарфланадиган маблағни чўтга ташлайверинг энди.

Вилоятларда тўйхоналар нархи бу қадар баланд эмасдек туюлади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бир киши учун ўртача 10-15 минг сўмгача тўланади. Лекин бу жой ва хизмат ҳақи, холос. Дастурхонга керакли барча масаллиқ ва ноз-неъматлар тўй эгасининг зиммасида. Аксарият тўйларга камида 500 нафар меҳмон айтилади.

– Айни кунда Андижон шаҳрида 30 дан зиёд тўйхона ва ресторанлар фаолият кўрсатмоқда, – дейди Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Мирзоҳид Аҳмедов. – Улар бир вақтнинг ўзида 200-500 меҳмонга хизмат кўрсатиш имконига эга. Рақобат жуда кучли. Шунинг учун хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Нарх-наволар тўйхонанинг катта-кичиклигига, шаҳарнинг қайси ҳудудида жойлашганига ҳам боғлиқ бўлади.

(Давоми 4-саҳифада)

# ТЎЙ – ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ, АММО...

## ТЎЙЛАРИМИЗ, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАРИМИЗНИ ЎТКАЗИШДА АЙРИМ ЖОЙЛАРДА ШУХРАТПАРАСТЛИК, ДАБДАБАБОЗЛИК, ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

**(Боши 3-саҳифада)**

– Тўйларнинг махсус тўйхона, ресторанларда ўтказилаётгани аҳолига қўл келмоқда, – дейди филология фанлари доктори, профессор Ҳанифа Солиҳова. – Тўйлар тартибли ўтади. Тўй эгаси иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, тўйхонани танлаши, меҳмон таклиф қилиши мумкин. Энг муҳими, одамларимизда тўй ўтказиш, тўйга бориш маданияти шаклланди, жиддий муаммолардан бири – ичкиликбозликка барҳам берилмоқда.

Ўтган йили "Саховат ипак сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан Термиз шаҳрида барча қулайликларга эга, замонавий "Истиқлол" тантаналар саройи фойдаланишга топширилди. Мажмуа гўзаллик салони, сартарошхона, фото-видео хизмати кўрсатиш шохобчаси ва тантаналар залини ўз ичига олади.

– Тўрт юз ўринли залда битта тўйни ўтказиб бериш учун бир миллион икки юз минг сўм хизмат ҳақи олинади, – дейди масъулияти чекланган жамият раиси Баҳром Шарипов. – Дастурхонга тортиладиган ноз-неъмат ва бошқа масалликларни буюртмачи етказиб беради.

Термиз шаҳридаги бошқа тўйхоналарда ҳам нарх-наво тахминан шундай. Битта тўйга кетадиган сарф-харажатларни чамалаб, Абдулла Қодирийнинг ўтган асрнинг бошларида, аниқроғи, 1915 йилнинг 20 мартида "Садои Туркистон" газетасида босилга "тўй" радифли ғазали ёдга тушади.

Абдулла Қодирий ҳам ўз даврининг улуғ маърифатпарварлари Беҳбудий, Фитрат сингари миллатимиз турмушига, руҳиятига, имон-эътиқодига салбий таъсир кўрсатаётган тўйлардан оғриниб, куюниб ёзган эди. Бундан юз йил нари-берисида битилган "Тўй" ғазалида қаламга олинган муаммолар бугун кўпайса кўпайдики, асло камайгани йўқ:

***Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,***
***Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй.***
***Бир-биридин ошурдилар тўйни,***
***Топди равнақ, ғайратила боён тўй.***
***Беш кун ўтмай тўйни сўнгидин***
***Кетибон мулклар боис фиғон тўй...***

Кимларгадир бу уринишларимиз кулгили, бесамар туюлиши мумкин. Биз, журналистлар Президентимиз фармонида белгилаб берилган "Оммавий ахборот воситалари мазкур фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин", деган вазифани бажармоқдамиз. "Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ҳам ёш чиқар", деганларидек, тўй, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш, камтарона, камчиқим қилиб ўтказиш бўйича, кичикроқ бўлса-да, натижаларга эришилмоқда. Айрим жойларда "куёв оши", "фотиҳа", "чарлар", "қиз чақирди", "келин чақирди", "қиз базми" сингари кераксиз одатлар, ортиқча зиёфатлар бир мунча камайди.

Яқинда "Ўзбекистон" телерадиоканалида янги "Гап бор" кўрсатуви ташкил этилди. Унинг илк сони тўй мавзусига бағишланди. Кўрсатув иштирокчиларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг фикрларига қулоқ тутиб, қатъий хулосага келамиз: гап амалда.

– Айбситмасангиз, мисолни ўз оиламдаги воқеадан келтирсам, – деб гап бошлади ёзувчи. – Кузатган бўлсангиз, "ЗАГС" деган маросимда келинникига келадиган автомашиналар русуми, саноғи ёшларни кўпроқ қизиқтиради. Ўғлим ҳам бир-икки марта "фалончиникига учта "Мерседес", ўнта "Волга" келди", деган хабарни айтгандек бўлди. Бир куни "Насиб этса, уч-тўрт йилдан сўнг сени ҳам уйлантирамиз. Келинникига шундай машина карвони билан боришни хоҳлайсанми?", деб сўрадим. Ўғлим ва у каби ўсмирлар учун автомашиналар карвони мажбурий қоида каби кўриниши табиий. Чунки ҳамма шундай қиляпти. Ўсмир ота-онасидан шундай марҳамат кутади ёки орзу қилади. Шуни билган ҳолда ўғлимга "Биз бундай қилмаймиз. Никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун турнақатор бўлиб борилмайди. Вакилни тўйхонага таклиф этамиз", дедим. Гапим уни ранжитишини билардим. Шу боис бу каби одатлар манманлик эканини тушунтирдим. Шунинг баробарида санъаткорлардан яқинларим кўп бўлса-да, фақат битта ёки иккитасини таклиф этиш ниятимни ҳам билдириб қўйдим. Орадан бир неча йил ўтиб, тўй қилдик. Совчилар келин бўлмишнинг уйига борди. Орага воситачи қўймай, тўй тартиби ҳақида ўзимиз гаплашайлик, деган таклифимиз қуда томонга ҳам маъқул тушиб, маҳалламизнинг оқсоқоли билан бордик. Камина орзу қилинаётган тўйнинг тартибини баён этдим. Никоҳ рўйхатидан ўтишга бормаслик, "чарлар", сўнг эса "куёв чақирди", "қуда чақирди" деб аталмиш маросимларни ўтказмаслик ҳақидаги таклифимиз уларни бироз ўйлантирди, бамаслаҳат жавоб қилажакларини билдиришди. Шукрки, қудаларимиз ҳам, келинимиз ҳам буни тўғри тушунди. Орзу қилган тўйимиз бир кунда чиройли тарзда ўтди".

Ҳаммамизни тўйларга етказсин. Халқимиз ҳаётини тўйсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Орзу-истакларимиз, жамики саъй-ҳаракатларимиз фарзандларимиз камоли, бахт-саодати билан боғлиқ. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўкис. Қанча тўй қилсак, ярашади.

Катта мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимламоқдамиз. Онгу тафаккуримиз, ҳаётимиз, инсоний муносабатларимиз, фарзандларимиз келажагига дахлдор бўлган ҳар бир масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиб, уларни қонуний асосда ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шундай экан, миллий маънавиятимизга, ҳаётимизга таъсир кўрсатадиган тўй, маърака ва маросимларни ўтказишнинг қонуний асосларини яратишнинг вақти етмадимикан?!

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилиши инсон манфаатларига йўғрилган ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди. Оила мустаҳкамлигига давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий вазифалар тизимидаги аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.**

# БУЗИЛМАС ҚЎРҒОН



Истиқлолнинг дастлабки йилларироқ, мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида янада бойитиш, чуқур билимли, касб малакаси шаклланган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Конституциямизда алоҳида бобда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланди. Оила, Фуқаролик, Уй-жой Кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий қадриятлари ўз ифодасини топди.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида Президентимизнинг аҳоли даромадларини ошириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Фуқароларнинг ҳалол йўл билан фойда олиши, оиласининг тўкинлиги, фаровонлигини таъминлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, унинг нуфузини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этмоқда. Зеро, оила фаровонлиги маҳаллада ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда ва жамият тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Қолаверса, минг йиллар давомида маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, кам таъминланган, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам елкадош бўлищдек халқимизга хос урф-одат ҳамда анъаналар шаклланган. Сирасини айтганда, маҳалла оиланинг асосий таянчи ва суянчи бўлиб келган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилгани боис фуқаролар йиғинлари қошида оилалар аҳволи билан яқиндан таниш, уларга ўз вақтида моддий-маънавий кўмак бера олувчи, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровон турмуши, маънавий-маърифий дунёқарашига самарали таъсир кўрсатувчи ўзига хос демократик дарсхона шаклланди.

Шубҳасиз, оила мустаҳкамлигининг асосий омилларидан бири унинг қонуний асосда қурилганидир. Шу боис, хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлимлари, ҚВП ва оилавий поликлиникалар ҳамкорлигида аҳоли ўртасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилаётир.

Инсон табиатидаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила, маҳалла, қолаверса, мактаб бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши мана шу уч муҳим бўғин ҳамкорлигига боғлиқ. Барчамизга яхши маълум, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида нафақат ота-она ёки ўқитувчи, балки қўни-қўшни, маҳалла-кўй ҳам бирдек жавобгар.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда иқтисодий барқарорлик ҳам муҳим мезон ҳисобланади. Халқимиз азалдан деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган, касб-ҳунар орқали оиласини, турмушини фаровон қилган. Халқимизнинг бундай тадбиркорлик фазилатлари бугун юртимиз маҳаллалари гузарлари тимсолида қишлоғу шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда томорқачилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик каби оилавий бизнесни ривожлантиришга доир кенг имконият ва имтиёзлар яратилди. Оилавий бизнеси орқали фаровон ҳаёт кечираётган юртдошларимиз сафи кун сайин ортиб бормоқда. Эндиликда, касб-ҳунар коллежини битирган ёш йигит-қизлар йиғин кўмагида банкдан имтиёзли кредит ва керакли ускуналар олиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқдалар. Турли маиший хизмат ва ишлаб чиқариш корхоналари очиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш бизнинг қон-қонимизга сингган юксак маънавий туйғу, ҳаётий аъмолдир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

**А.ИСТАТОВ**
**Бухоро вилояти Ромитан тумани ФҲДЁ бўлими мудири.**

Наманган Вилояти

# АҲИЛ ОИЛАЛАР – ЁШЛАРГА ИБРАТ

***Наманган шаҳридаги 1-ФҲДЁ бўлимининг "Бахт уйи"да "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, жамиятдаги мавқеини ошириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида ўтказилган Уйчи туманидан беш фарзанд ва йигирма нафардан зиёд набирани тарбиялаб вояга етказаётган ўқитувчилар оиласи – Муҳаммад ва Раънохон Мирзаевларнинг "олтин тўйи", янгиқўрғонлик Ҳусниддин Абдуллаев ва Зулфизар Умрзоқоваларнинг "кумуш тўйи", катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган Мингбулоқ туманидан Тоҳиржон Қорабоев ва Мукаррамхон Тошматоваларнинг никоҳ тўйи кўпчиликнинг ёдида қоладиган унутилмас воқеа бўлди.

– Ушбу маросимни кенг жамоатчилик иштирокида ўтказишдан мақсад янги оила қураётган ёшларнинг оила ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, уларни "олтин" ва "кумуш" тўйларини нишонлаётган ибратли оилаларнинг ҳаётий тажрибалари билан таништириш, фарзандларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тўйларни ихчамлаштириш, дабдабабозликларнинг олдини олишдан иборатдир, – дейди вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот бўлимининг масъул ходими Донохон Раҳимбоева. – Зеро, 50-60 йиллар давомида аҳил ва мазмунли умр кечирган оилалар ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир.

**ЎзА**

Тошкент вилояти

○ Маҳалла — аҳиллик маскани

# ЧАМАНЗОР ЯНГЛИҒ ЧАМАНЗОР

**Халқимизнинг "Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг", деган пурмаъно ибораси бор. Ҳақиқатан ҳам кишиларнинг орзу-истаклари, турмуш муаммолари маҳаллада намоён бўлади. Маҳалла фуқаролик жамиятининг фақат ўзимизга хос бўлган бошқарув институтидир. Бугунги давр маҳалланинг аниқ йўналишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланишини тақозо этаётир.**



— Маҳалламизда 546 оила мавжуд, — дейди Янгийўл тумани Убай Мусаев номли ҚФЙ Чаманзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Абдукаримов. — Оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни миллий анъана ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш, тўй, маросимлардаги дабдабабозликларнинг олдини олиш, ички имкониятлар ҳисобидан аҳоли даромадларини кўпайтириш каби долзарб вазифалар зиммамизга юклатилган. Маҳаллада тадбиркорлик, оилавий бизнес, ҳунармандчилик, томорқадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чаманзор маҳалласи Тошкент шаҳрининг биқинида жойлашганлиги туфайли аҳолининг асосий даромад манбаи ҳисобланган томорқадан фойдаланиш даражаси бошқа маҳаллаларга нисбатан юқори.

Илҳом Қозоқбоев, Ҳикматилла Саъдиев, Муҳиддин Тешабоев, Ҳусниддин Ҳошимовлар ўз оиласи билан томорқадан яхши даромад олаётгани боис, қўни-қўшнилари ҳам улардан ибрат олишяпти. Ҳар бирининг хонадонида сигир-бузоқ, товуқ, қўй-қўзи боқилаётгани ҳам оилалар фаровонлигида муҳим омил бўлмоқда.

— Тўғри, маҳаллада ўзибўларчилик кайфиятидаги оилалар ҳам бор, — дейди оқсоқол. — Биз маҳалла фаоллари билан келишган ҳолда, ана шундай оилаларни назоратга олганмиз. Моддий етишмовчилиги бор оилаларга ҳомийларни бириктириб, уларнинг томорқадан унумли фойдаланишлари учун уруғлик ҳамда кўчатлар етказиб беришни ташкиллаштиряпмиз.

Илҳом ота ва Рихсижон ая Қозоқбоевлар хонадони маҳалладаги намунали оилалардан ҳисобланади. Уларнинг хонадонига қадам ранжида қилган киши ҳовлидаги анвойи гуллару томорқадаги барқ уриб ўсаётган турли сабзавот экинларини кўриб, дили яйрайди. Оиланинг барча аъзолари ота ва онасининг панд-насиҳатларига қулоқ солиб кам бўлишмаяпти. Шунинг учун ҳам хонадон саранжом-саришта, файз-баракали.

Маҳалладаги тинчлик-осойишталик, оилалар мустаҳкамлиги, дастурхон тўкинлиги ва маҳалладошларнинг аҳиллиги ҳамда меҳнатсеварлигига боғлиқ. Чаманзор маҳалласи кун сайин обод бўлиб, кўркамлашиб бораётганининг боиси ҳам шунда.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

▼ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди*

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: **«Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш».**

***Танловда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:***

- жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш – ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ ҳунармандчилиги, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш;

- аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш;

- жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш;

- жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши_лозим;***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz. сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

***Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача.***

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида танишишингиз мумкин: www.fundngo.uz.

Маълумот учун тел.: 239-26-64; 239-26-76.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди*

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: **«Мустақил оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини ошириш».**

***Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:***

- демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларини ОАВда кенг ёритиш;

- Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ифода этадиган қарорлар ҳақида кенг маълумот олишларини таъминлаш;

- ахборот эркинлигини, аҳолининг маълумот олиш борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек, жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашлари ва муносабатларини эркин баён этишларига зарур шароитлар яратишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш;

- Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиб бориш жараёнларининг нодавлат ОАВларда кенг ёритилиши;

- нодавлат ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш;

- миллий матбуотнинг сифати, кадрлар маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

- ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

- аҳолининг экологик, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва инсон равнақи йўлидаги ишларни кенг ёритишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш;

- ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқини юксалтириш, уларда миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини шакллантириш.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши_лозим:***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz. сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган барча ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

***Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори - 15 млн. сўмгача.***

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида танишишингиз мумкин: www.fundngo.uz.

Маълумот учун тел.: 239-26-76; 239-26-64.




# ҒЎЗАНИ ЯГАНАЛАШДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР

**Ғўзадан эрта ва мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан бири — далада етарли туп сони бўлишига эришишдир. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилишда, аввало, униб чиққан ниҳолларнинг мақбул қалинликда бўлишига эришиш учун барча чораларни кўриш керак.**

**Ренат НАЗАРОВ,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.*

Айрим жойларда ниҳолларни қалин қолдиришга интилишади. Ўтказилган илмий тажрибаларда эса кўчат қалинлиги ортиши билан ҳосил шохлари ва элементларининг камайиши, биринчи ҳосил шохининг анча юқоридан чиқиши, гуллаш ва кўсакларнинг очилиш суръати сусайиши кузатилган. Далада ғўза туплари ортиқча қолдирилганда 15 фоизга яқин ғўза туплари мутлақо кўсак тугмаган, яна шунча миқдордаги тупда 1-3 тагина кўсак бўлган.

Ҳосил бермаган ғўза бегона ўт билан баравар. Чунки бегона ўтлар ғўзаларга қандай зарар берса, булар ҳам шундай шикаст етказади. Энг муҳими, ниҳоллар қалин қолдирилганда ер тез буғланиб, ғўза 5-6 кун олдин чанқайди.

Ғўза тупларининг қуйи ва ўрта қисмларига кун бўйи қуёш нурлари тушиб, ўсимлик ораларидан ҳаво яхши ўтиб туриши лозим. Қуёш нури ва ёруғлик ғўза барги орқали карбонат ангидридни ўзлаштиришида муҳим омил бўлади. Фотосинтез жараёнида ғўзанинг баргидан озиқланиши илдиз орқали озиқланишига нисбатан бир неча баробар самаралидир. Шу ўринда "Қишлоқ ҳаёти"нинг 20 апрелда эълон қилинган "Дастлабки ишловда гап кўп" сарлавҳали мақолада ғўза ривожланишининг қайси босқичида қанча миқдорда минерал ўғит солиш ҳақида эмас, балки бу ўсимликнинг унга бўлган физиологик талаб-эҳтиёжи хусусида фикр юритилганлигини айтиш жоиз.

Кўп йиллик тажрибалар ёруғлик таъминотининг озгина бўлсада ёмонлашиши ҳосил элементларининг тўкилишига сабаб бўлишини кўрсатди. Ўсимлик 5 соатдан 12 соатгача минерал моддалардан тортиб қўйилса, ҳосил элементлари тўкилмайди, лекин қисқа муддатга ёруғликдан маҳрум қилинса, улар тўкилади. Боиси, бундан ғўзага фотосинтез маҳсулоти, жумладан, сахароза етишмайди.

Ушбу камчиликни бартараф этишга ғўзалар мақбул қалинлигини таъминлаш билангина эришилади. Ҳатто бир туп ғўзанинг ўзида барг ҳажми ортиб кетса ҳам бир-бирини соялаб қўяди. Сояда қолган барг эса зарур моддаларни тайёрловчи эмас, балки уларни ўзлаштирувчига айланади.

Ҳозирги вақтда чигит асосан кенг (90 см.) ва тор (60 см.) қилиб, қаторлаб ёки кетма-кет уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетиш усулида экилади. Чигит аниқ миқдорда уялаб экилганда, яганага ҳожат қолмайди. Яганалаш асосан қаторлаб экилган майдонларда ўтказилади.

Кўпчилик илмий-текшириш муассасалари томонидан исботланган ва ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтган яганалаш усули уяларда биттадан ниҳол қолдириб кетишдир. Ниҳоллар уяларда якка тупдан қолдирилганда улар яхши ривожланиб, ҳосил тўплайди, кўсаклар бир текис, қийғос очилади. Яганалашни ғўзанинг биринчи культивациясидан кейин, чигит 100 фоиз униб чиққанда бир йўла ўтказиш яхши самара беради.

Ягана муддатидан кечикса, илдизлар бир-бирига чирмашиб кетади ва қолдириладиган ғўза илдизлари кўп шикастланади. Тажрибалар кўрсатишича, ғўзани 4-5 барг чиқарганда яганалаш 1-2 барг чиққан даврдаги яганалашга нисбатан ҳосилнинг 20 фоизга камайишига олиб келган.

**Далаларнинг ҳолатига қараб, кўчатлар қалинлиги қуйидагича бўлиши тавсия этилади:**

*— ер ости сувлари чучук ва ер бетига яқин жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда, яъни ғўза кучли ўсадиган пайкалларда 80-85 минг (қатор оралиғи 90 см. кенгликда экилган ерларнинг ҳар погонметрида 6-7 туп; 60 см.лида 5-6 ) туп;*

*— ер ости сувлари чуқур жойлашган, унумдор бўз тупроқли ерларнинг ҳар гектарида 90-95 минг туп (90 см, схемада экилган майдонларнинг ҳар бир погонметрида 7-8; 60 см.да экилганда 5-6 туп) ниҳол қолдириш мақсадга мувофиқ;*

*— унумдорлиги ўртача бўлган ерларда 100-110 минг туп;*

*— ғўза ўсиб кетмайдиган, қумоқ ёки шағал ва қум қатлами ер бетига яқин жойлашган ерларда гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдириш лозим.*

Бу тадбирни фермер хўжалигининг мутахассис ва тажрибали пахтакорлари, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир дала ёки участканинг ўзига хос тупроқ ва ғўза навининг хусусиятларини қатъий ҳисобга олган ҳолда амалга оширишлари, табақалаштирилган ғўза тупларининг мақбул қалинлигини белгилашлари зарур. Шундагина мўл, эртаги ҳосил етиштириш учун қуёш нури ва ер-сув ресурсларидан юқори даражада фойдаланишга замин яратилади.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2012 ЙИЛ 28 МАРТДАН 10 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

| № | Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи | Ер участкасининг жойлашган жойи | Минимал қиймати (сўмда) | Сотилиш қиймати (минг сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | **Навоий вилояти** | | | |
| | **2012 йил 4 апрелда** | | | |
| 1 | Қурилиш материаллари цехи биноси қуриш учун | Навоий шаҳар саноат ҳудуди | 3 990,0 | 4 400,00 |
| 2 | Енгил металл конструкциялари чиқариш цехи биноси қуриш учун | Навоий шаҳар ГМЗ-1 ва Навоий азот ИЧБ ОАЖ оралиғида жойлашган | 1 368,2 | 1 550,00 |
| | **2012 йил 6 апрелда** | | | |
| 3 | Автомобилларга метан газ қуйиш шохобчаси қуриш учун | Конимех т., Чордара ҚФЙ. Телмен МФЙ | 3 752,7 | 4 200,00 |
| 4 | Автомобилларга метан газ қуйиш шохобчаси ва иссиқхона қуриш учун | Конимех т., Чордара ҚФЙ Шўртепа МФЙ | 6 117,4 | 6 500,00 |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | |
| | **2012 йил 28 мартда** | | | |
| 5 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун | Термиз ш., 5-кичик даҳа, А.Навоий кўчаси | 26 712,0 | 6 700,00 |
| 6 | Бекат типидаги савдо дўкони қуриш учун | Ангор т., Янгиобод ҚФЙ, Янгиобод м-си | 29 788,0 | 50 000,00 |
| | **Фарғона вилояти** | | | |
| | **2012 йил 9 апрелда** | | | |
| 7 | Тўйхона биноси қуриш учун | Фарғона т., Логон ҚФЙ, 2-зона ҳудуди | 511 538,0 | 550,00 |
| 8 | Савдо дўкони қуриш учун | Фарғона т., Логон ҚФЙ, 2-зона ҳудуди | 127 884,0 | 150,00 |
| 9 | Автомобилларни жузий таъмирлаш устахонаси қуриш учун | Фарғона т., Аввал ҚФЙ, 2-зона худудида жойлашган. | 127 884,0 | 140,00 |
| 10 | Савдо маркази биноси қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 54 603,6 | 180,00 |
| 11 | Қурилиш материаллари дўкони қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 218 414,0 | 600,00 |
| 12 | Дорихона биноси қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 54 603,4 | 200,00 |
| 13 | Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 54 603,4 | 180,00 |
| 14 | Чойхона биноси қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 163 810,8 | 450,00 |
| 15 | Савдо дўкони қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 54 603,6 | 500,00 |
| 16 | Гўшт дўкони қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 27 301,8 | 500,00 |
| 17 | Сартарошхона биноси қуриш учун | Фарғона т., Ю.Водил ҚФЙ, А.Ғуломов к-си | 27 301,8 | 500,00 |
| 18 | Савдо дўкони қуриш учун | Фарғона т., Водил ҚФЙ, Марғилон к-си | 109 207,2 | 500,00 |
| | **2012 йил 10 апрелда** | | | |
| 19 | Савдо дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Янгиқўрғон ҚФЙ, Маориф қ-ғи | 14 352,0 | 150,00 |
| 20 | Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун | Олтиариқ т., Янгиқўрғон ҚФЙ, Маориф қ-ғи | 8 611,0 | 100,00 |
| 21 | Савдо дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 7 176,0 | 20,00 |
| 22 | Тикувчилик цехи биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 22 963,0 | 78,00 |
| 23 | Сартарошхона биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 7 176,0 | 20,00 |
| 24 | Чойхона биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 57 408,0 | 174,00 |
| 25 | Гўшт дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 7 176,0 | 20,00 |
| 26 | Нон маҳсулотлари и/ч цехи биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Полосон ҚФЙ, Дўмса қ-ғи | 57 408,0 | 174,00 |
| 27 | Савдо дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Ғарат ҚФЙ, 8-март қ-ғи | 14 352,0 | 40,00 |
| 28 | Гўшт дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Ғарат ҚФЙ, 8-март қ-ғи | 14 352,0 | 40,00 |
| 29 | Сартарошхона биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Ғарат ҚФЙ, 8-март қ-ғи | 14 352,0 | 40,00 |
| 30 | Маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриш учун | Олтиариқ т., Ғарат ҚФЙ, 8-март қ-ғи | 71 760,0 | 205,00 |
| 31 | Савдо дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Янгиқўрғон ҚФЙ, Маориф қ-ғи | 28 704,0 | 280,00 |
| 32 | Тикувчилик цехи биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Янгиқўрғон ҚФЙ, Маориф қ-ғи | 28 704,0 | 500,00 |
| 33 | Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун | Олтиариқ т., Янгиқўрғон ҚФЙ, Маориф қ-ғи | 28 704,0 | 500,00 |
| 34 | Савдо дўкони қуриш учун | Олтиариқ т., Жўрак ҚФЙ, Беш йиллик қ-ғи | 14 352,0 | 60,00 |
| 35 | Тикувчилик цехи қуриш учун | Олтиариқ т., Жўрак ҚФЙ, Беш йиллик қ-ғи | 22 963,0 | 90,00 |
| 36 | Сартарошхона биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Жўрак ҚФЙ, Беш йиллик қ-ғи | 14 352,0 | 60,00 |
| 37 | Чойхона биноси қуриш учун | Олтиариқ т., Жўрак ҚФЙ, Беш йиллик қ-ғи | 48 796,0 | 215,00 |
| 38 | Дорихона, фитобар ва фирма офиси қуриш учун | Марғилон ш., Янги Фарғона к-си | 659 805,0 | 1 000,00 |
| 39 | Миллий таомлар ошхонаси, 2-қаватида кийимларни ва телефон аппаратларини таъмирлаш устахонаси ҳамда компьютер хизматлари кўрсатиш биноси қуриш учун | Марғилон ш., Б.Марғилоний к-си | 1 106 805,0 | 2 500,00 |
| 40 | Умумий овқатланиш шохобчаси, 2-қаватида компьютер хизматлари кўрсатиш ва телефон аппаратларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун | Марғилон ш., Б.Марғилоний к-си | 642 090,0 | 642,09 |
| 41 | Темирчилик устахонаси қуриш учун | Марғилон ш., Б.Марғилоний к-си | 259 776,0 | 270,00 |
| 42 | Кичик ҳажмдаги ошхона, омборхона, этикдўзлик ва пойабзал таъмирлаш устахонаси қуриш учун | Марғилон ш., Б.Марғилоний к-си | 614 892,0 | 750,00 |
| | **Хоразм вилояти** | | | |
| | **2012 йил 28 мартда** | | | |
| 43 | Савдо дўкони қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар к-ги, Жангнота м-си | 11 616,0 | 70,00 |
| 44 | Пластик карточка орқали хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар к-ги, Жангнота м-си | 5 808,0 | 40,00 |
| 45 | Эркаклар сартарошхонаси қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар қ-ғи, Жангнота м-си | 5 808,0 | 120,00 |
| 46 | Аёллар сартарошхонаси қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар к-ги, Жангнота м-си | 11 616,0 | 80,00 |
| 47 | Этикдўзлик устахонаси қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар қ-ғи, Жангнота м-си | 5 808,0 | 70,00 |
| 48 | Гўшт дўкони қуриш учун | Ҳазорасп т., Овшар к-ги, Жангнота м-си | 5 808,0 | 50,00 |
| | **2012 йил 4 апрелда** | | | |
| 49 | Электр уй жиҳозларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун | Янгиариқ т., Остана к-ги, Намунавий УЖМ | 14 518,0 | 70,00 |
| | **Бухоро вилояти** | | | |
| | **2012 йил 28 мартда** | | | |
| 50 | Савдо дўкони қуриш учун | Олот т., Сайинкоровул ҚФЙ | 12 401,0 | 75,00 |
| 51 | Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун | Олот т., Сайинкоровул ҚФЙ | 14 352,0 | 75,00 |
| 52 | Музлаткичларни таъмирлаш устахонаси қуриш учун | Олот т., Сайинкоровул ҚФЙ | 41 334,0 | 78,00 |

ДП "ENERGOSANES TECHNOLOGY" (ИНН 301739803), зарегистрированное ИРСП Хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 006112-04, 22.11.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Мустакиллик шох. 88, реорганизуется путем слияния (присоединения) с ООО "ELEKTROMOTORS AZIYA" (ИНН 206844997), зарегистрированное ИРСП хокимията М.Улугбекского р-на (реестр № 004941, 06.08.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Мустакиллик шох, 88, которое будет является правоприеемником ДП "ENERGOSANES TECHNOLOGY" с несением всех его прав и обязанностей (решение учредителя № К-2/12 от 25.04.2012 г.). Тел.: 237-48-76.

ООО "BLACK MARTIN" Алмазарского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 970 820 114 сум до 381 602 804 сум.

Утерянный аттестат UZC № 024200, выданный в 1996 г. школой № 34 Юкори Чирчикского р-на Ташкентской обл. на имя Укибаева Марата Зулкайнаровича, считать недействительным.

Тошкент ш. Яккасарой т.да рўйхатга олинган "WELCOME MARKETING COMMUNICATION GROUP" МЧЖ фаолияти тугатилади. Маълумот қуйидаги телефон рақами орқали икки ой ичида қабул қилинади. Тел.: +99897 129-27-77.

Утерянный план и гос. ордер квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Х.Абдуллаева д. 107 кв-ра 26, выданный БТИ М.Улугбекского р-на на имя Дюгаева Юрия Юрьевича, считать недействительными.

Тошкент қурилиш ва миллий касб-ҳунар коллежи томонидан 2001 й.да Казакбаева Зулхумор Азизовна номига берилган КНТ № 260231 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




# ХАЛҚИМИЗНИНГ МАНГУ ИФТИХОРИ

**Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1996 йил юртимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан "Амир Темур" орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси ўз ифодасини топади.

"Амир Темур" ордени марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор – "Куч – адолатда" сўзлари битилган. Бу ҳикматда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассам, ҳаётий эътиқоди акс этган. Ушбу ҳикматда мамлакатимизда юритилаётган бугунги адолатли сиёсатнинг ҳам туб мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз ва мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари "Амир Темур" ордени билан мукофотланди.

Самарқанд ва Шаҳрисабз миллатимизнинг мангу ифтихори бўлган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу шаҳарларда Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун ҳам юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, хорижлик сайёҳларда эса катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қутлуғ тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги, замонавий уй-жойлар, таълим, маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, боғ-роғлар яратилди. Бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгайиб бораётир.

2004 йил 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу ғалаба халқимиз, миллатимиз номини янада юксалтирди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси муносиб тақдирланди – Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига биноан Р.Қосимжоновга "Амир Темур" ордени берилди.

Бундай улкан эътироф замирида юртимизда ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат-эҳтиром руҳида, она Ватанга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш, ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этиши, пухта таълим-тарбия олиши учун барча шароитларни яратиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик мужассамдир.

"Амир Темур" ордени халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолаверади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

▼ РЕКЛАМА

## БАЛИҚ УЧУН СИФАТЛИ ОМИХТА ЕМ!



«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тасарруфидаги
«Навоийдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти

балиқчилик хўжаликларида парвариш қилинаётган балиқлар учун бир килограмми 848 сўмдан омихта ем маҳсулотини таклиф қилади. Балиқлар учун омихта ем маҳсулотини чекланмаган миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш ёки очиқ биржа савдолари орқали сотиб олиш мумкин. Харидлар пул ўтказиш, банк пластик карточкалари ҳамда нақд пул орқали 100 фоиз олдиндан тўлов йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:
Навоий шаҳри "Спутник" қўрғони-3,
"Навоийдонмаҳсулотлари" ОАЖ.

Факс: 8 (436) 226-44-65.
Тел: 8 (436) 226-44-76.
E-mail: navoidon@mail.ru




(30 апрель — 6 май)

### ҚЎЙ (21.03 — 20.04)



Келаётган ҳафтада яхшигина даромад кўришингиз мумкин. Иш юзасидан сафарга отланаётганларнинг фойдали шартномалар имзолашлари кутилмоқда. Ҳаётингизда янги танишлар ҳамда уларга боғлиқ бўлган режалар пайдо бўлади.

### БУЗОҚ (21.04 — 20.05)



Ўзингизни бўшанг ва омадсиз, деб ўйлашни бас қилинг. Аниқ ва кескин қарорлар қабул қилсангизгина, маълум бир ютуққа эришасиз. Шартномалар имзолаётганда ҳушёр бўлишни унутманг. Ҳафта охирида мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

### ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)



Катта мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётганда, кўпроқ ўз кучингизга ишонганингиз маъқул. Озроқ ҳафсаласизлик ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Иш юзасидан сафарга отланаётганларнинг яхшигина даромад қилишлари кутилмоқда.

### ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)



Бир-иккита муаммоли масалага ечим топиш сизга мушкул вазифадай туюлиши мумкин. Аммо бундай вазиятларда асло тушкунликка тушманг. Зеро, ана шундай ҳолатлар бизни пишитади. Ташаббускорлигингиз эвазига моддий рағбат кўрасиз.

### АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Салбий ҳолат касб этиб турган бирор масалани ижобий томонга ўзгартириб юбориш сизга унчалик қийинчилик туғдирмайди. Ҳафта ўртасида муҳим учрашувларни белгиламаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари саёҳатга чиқинг.

### ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)



Иш жойингиздаги юмушлар бир маромда кетиши кутилмоқда. Керагидан ортиқча ташаббус кўрсатаман, деб бошингизга ғалва орттирманг. Барчанинг эътибори ва меҳрини қозониш учун сиздан бир оз фаоллик талаб қилинади.

### ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)



Дўстларингиз нафақат ишончингизни оқлашади, балки анча вақтдан буён ҳал бўлмай турган муаммоларингизга ҳам ечим топиб, мушкулингизни осон қиладилар. Тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун омадли ҳафта.

### ЧАЁН (24.10 — 22.11)



Яхши кайфият ҳафта давомида сизни тарк этмайди. Оила аъзоларингизга кўпроқ вақт ажратинг. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам мақолини бир дам бўлса-да ёдингиздан чиқарманг. Каттароқ харидларга қўл урмай турганингиз маъқуд.

### ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)



Ижодий фаолиятингизда маълум бир ютуққа эришишингиз кутилмоқда. Лойиҳаларингиз бир қанча ҳамкор ташкилотлар ҳамда ҳомийлар эътиборини қозониши фаолиятингизда кескин бурилишларга сабаб бўлади.

### ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)



Ишингизнинг бир маромда кетаётганлигидан кўнглингиз хотиржам бўлади. Бу эса бир оз дам олишга имконият яратади. Ҳафта охирида сизни қувончли хабарлар кутмоқда. Соғлиғингиз борасида жиддий ўйлайдиган вақт келди.

### ҚОВҒА (21.01 — 20.02)



Кўпдан буён учрашмаган дўстларингизнинг йўқлаб келиши сиз учун кутилмаган ҳол бўлади, албатта. Дам олиш кунлари ҳам фикру хаёлингиз ишда бўлади. Ишчан кайфиятни сақлаб қолиш учун ўзингиз маъқул кўрган мусиқаларни тингланг.

### БАЛИҚ (21.02 — 20.03)



Молиявий ҳолатингиз анча мустаҳкамланади. Сиз учун шунчаки оддий суҳбатдек таассурот уйғотган айрим музокаралар келгуси фаолиятингизда янги ғоя ва муваффақиятлар туҳфа этади. Сизни қийнаб келаётган муаммолар омадли ечим топади.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар:
236-58-83,
233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021
9 772010 702007
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:
Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ:
О.ОЧИЛОВ
Дизайнер:
М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.05
23031 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 1 4 5